

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**604** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 26 декабрь,  
414-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 26 декабрдаги 414-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига илова 26<sup>1</sup>-бандининг «Йиғим ставкаси» устундаги «10» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й.. 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон Фармонида 1, 2 ва 4-иловаларда назарда тутилган товарларни экспорт қилишга доир контрактларни ҳисобга қўйиш (конун ҳужжатларига мувофиқ экспорт контрактларига тенглаштирилган контрактлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт контрактларини «бир дарча» таъмоийли бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарориди:

а) 3-банддаги «давлат божхона хизматлари органларида контрактларни ҳисобга қўйиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

1-банднинг биринчи хатбошидаги «давлат божхона хизматлари органларида контрактларни ҳисобга қўйиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «давлат божхона хизматлари органларида контрактларни ҳисобга қўйиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

11-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Иккинчи босқичда аризачи экспорт учун мўлжалланган товарлар-

ни божхонада расмийлаштириш учун давлат божхона хизмати органлари ходимиغا қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

контракт (шартнома, битим), тегишли ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилган биржа контактлари бундан мустасно;

юкнинг божхона декларацияси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш йўли билан товарларни декларациялаш ҳоллари бундан мустасно;

товарларга илова қилинадиган ҳужжатлар»;

13-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон Фармониغا 1, 2 ва 4-иловаларда назарда тутилган товарларни экспорт қилишга доир контрактларни ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади»;

в) Вақтинчалик низомга 1-иловада:

2-босқичнинг «Тадбирлар» устунидаги «Экспорт контрактини ҳисобга қўйишни амалга оширади» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-босқичнинг «Бажариш муддатлари» устунидаги «Кун мобайнида» сўзлари чиқариб ташлансин.